

ШАРТНОМА № 30

(Автотранспорт хизматини курсатиш хақида)

Шуманай тумани.

«12» август 2022 йил.

Бир томондан «SULTANBEK AVTOXIZMET» МЧЖ келгусида «Бажарувчи» деб юритилувчи ўз Низомига кўра фаолият курсатувчи Н.Махамметшерев, иккинчи томондан «Шуманай» ТЎФУК келгусида «Буюртмачи» деб номланади, корхона номидан корхона раҳбари А.Каиповлар ўзаро келишиб ушбу шартномани туздилар.

1. Шартнома мазмуни

1.1. «Бажарувчи», «Буюртмачи» буюртмасига асосан давлат ва маҳаллий аҳамиятидаги умумфойдаланувдаги автомобиль йулларини реконструкция қилиш, жорий таъмирлаш, кишки қаров, табиий офат ва пудрат ишлари объектларида ўзининг техник соз бўлган 2 дона «HOWO» русумли давлат белгиси 95/771ХАА ва 01/185SGA булган автотранспортни ажратади. «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг кўрсатган автотранспорт хизматлари учун «Бажарувчи»нинг давлат экспертиза хулосаси нархлари ва нархларга келишув баённомалари асосида, «Буюртмачи»нинг лойиха смета ҳужжатларига киритилган нархларидан ошмаган ҳолда тўловни амалга оширади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари.

2.1. «Буюртмачи» куйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади:

а) Объектларда автотранспорт хизматларини курсатиш даврида, техник саволларни, хар-хил камчиликларни хал қила оладиган ягона жавобгар шахсни тайинлайди.

б) «Буюртмачи» автотранспорт ажратиш учун олдиндан талабнома беради ёки томонлар махсус келишган усул асосида хизматларни бажарилишини талаб қилади ва ушбу хизматлар учун пул маблаглари тулайди.

в) Ишлаб чиқариш жараёнида «Бажарувчи» томонидан ажратилган автотранспортларини ёнилғи маҳсулотлари билан таъминлайди ва ёнилғи маҳсулоти суммасини бажарилган ишлар суммасидан айириб қолинади.

«Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг автотранспортларини таъмир талаб бўлганда техник қаров ишлари хизмати ҳамда эътиёт қисмлар билан таъминлаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда «Буюртмачи» томонидан таъминланган ёнилғи, эътиёт қисмлар ва иссиқ овқат маҳсулотларини «Бажарувчи» томонидан ишончнома ва ҳисоб фактуралар орқали расмийлаштириб олинади.

г) «Буюртмачи» «Бажарувчи»дан жалб қилинган автотранспортларни амалда бажарилган ишлари учун шартноманинг 1-булим, 1,1-бандида курсатилган нархлар асосида туловни амалга оширади.

д) «Буюртмачи» ва «Бажарувчи» автотранспортларни «Бажарувчи»нинг манзилдан «Буюртмачи» объектига олиб бориш ва қайтариб келиш харажатларини «Бажарувчи» томонидан амалга оширилади.

ж) «Буюртмачи» Бажарувчининг автотранспорт воситасини ишлаб чиқариш зарурияти туфайли 24 соат олдин огоҳлантирган ҳолда иш билан таминлайди, доимий иш билан таъминлашни кафалатламайди.

2.2 «Бажарувчи» куйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади:

а) Объектларда ишларни бажариш ҳамда автотранспорт хизматларини курсатиш даврида техника, ёнгин ва ҳаракат хавфсизлиги қондаларига риоя қилади, хар қандай қонунчилик меъёрлардан четга чиқишга тула жавоб беради.

б) «Буюртмачи» буюртмасига асосан техник жихатдан соз ва бутун автотранспорт хизматларини ажратади ва буларга жавобгар шахсни тайинлайди.

в) «Буюртмачи» буюртмасини уз вақтида ва сифатли бажариб беришни кафолатлайди.

г) «Бажарувчи» уз хайдовчи ва механизаторларга хизмат хақи, техник қаров ишлари хизмати, эътиёт қисмлар билан таъминлайди.

Агарда хизмат курсатиш давомида ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб «Буюртмачи» томонидан эътиёт қисмлар, техник қаровлар амалга оширилганда «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан таъминланган эътиёт қисмларни ишончнома ва ҳисоб вароқлар орқали ҳисоб китоб қилади.

д) «Бажарувчи» ой давомида «Буюртмачи» томонидан олинган ёнилғи маҳсулотларини ишончнома ва ҳисоб вароқалар орқали расмийлаштириб олади.

е) Мазкур шартнома расмийлаштириш мобайнида ва кейинчалик бажарилаётган пайтда «Бажарувчи» ушбу шартнома шартларини тулик бажаришга етарли руҳсат (лицензия) ҳужжатларига эгаллигини, ва хизматларини бажаришга бошқа тусқинлик йуқлигини, шартнома имзолашга мансабдор шахснинг ҳуқуқи борлигини, ҳисоб китоблар аниқ булишини, шунингдек шартномага керакли иловалар тугрилигини уз зиммасига олади.

ё) «Бажарувчи» хар ойнинг 30 кунигача бажарилган ишларнинг расмийлаштирилган ҳужжатларига асосан «Буюртмачига» ҳисоб варагини топширишни уз зиммасига олади.

ф) «Бажарувчининг» ажратган автотранспорт воситаси корхона томонидан белгиланган визифаларни бажармаган ёки сифатсиз бажарган ҳолларда бир маротаба ёзма огоҳлантириш хати берилади, агар ушбу ҳолат такрорланса шартнома бир томонлама бекор қилинади.

3. Шартноманинг баҳоси.

3.1. Шартноманинг тахминий киймати амалдаги нархларда бошқа харажатлар ва ККС лар билан тахминан 47 000 000,00 (қирк етти миллион) сумни ташкил этади.

3.2. Шартнома киймати очик ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар ва норматив ҳужжатларга асосан узғариши мумкин.

3.3. Курсатилган хизматлар ҳақини ҳисоблаш учун «Буюртмачи»нинг тасдиқланган экспертиза хулосаси ва лойихавий нархлар асос қилиб олинади.

4. Ҳисоб – китоб тартиби.

4.1. «Буюртмачи» тасдиқланган бирламчи ҳужжатларга (ТТН, маълумотномага) асосан «Бажарувчи» реестр тузади ва «Буюртмачи»га ҳисобот ойининг 30 санасигача ҳисоб-фактура орқали тақдим қилинади.

4.2. «Буюртмачи», «Бажарувчи»га шартномада курсатилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан нархга нисбатан, «Буюртмачи» ва «Бажарувчи» узаро келишивига асосан _____% миқдоригача олдиндан туловни амалга ошириши мумкин.

4.3. «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун тулов суммасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасидан олгандан сўнг, тасдиқланган ҳужжатларга асосан «Бажарувчи» га тулаб беради.

5. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

5.1. Бажарувчи: Ишларни бажармаган ёки хизмат курсатмаган ҳолларда кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи, аммо кечиктирилган 50 % фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тулайди.

5.2 «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг курсатган хизматлар ҳақини кечиктирганда, кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи, аммо кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тулайди.

6. Шартномани амал қилиши.

6.1. Шартнома томонлар уртасида имзоланган кунидан бошлаб кучга киради ва «31» декабр 2022 йилга қадар амалда бўлади.

6.2. Шартномани кучини йукотиши ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятлар бўйича эътирозларни яқунига етказиб ҳал қилиш учун таъсир қилмайди.

7. Шартномани бекор қилиши.

7.1. Мазкур шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиши мумкин: «Буюртмачи» туловларни амалга оширишга қодир бўлмай қолганда; «Бажарувчи» шартномада курсатилган хизматларини уз вақтида ёки керакли ҳажмида бажармаслиги оқибатида, «Буюртмачи» га ушбу хизматларнинг аҳамияти қолмаганда; Объект консервация қилинганда; Форс-мажор ҳолатлари вужудга келганда. Узаро икки томон келишуви асосида амалга оширилади.

8. Бошқа шартлар.

8.1. Шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида келиб чикан низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий судида ҳал этилади.

9. Томонларнинг манзили:

«БУЮРТМАЧИ»

Шуманай ТИФУК

Манзили: Р.К. Шуманай тумани Ажинияз кучаси №55
х/р 20210000000412395001

Банк: Ипотека банк Нукус филиали

МФО: 00621, ИНН 200954833

ОКЭД: 42110

Шуманай ТИФУК бошлиғи:

А.Қайнов

«БАЖАРУВЧИ»

«SULTANBEK AVTOXIZMET» МЧЖ

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Терешкова кўчаси, 24 уй.

х/р: 20208000105079432001

ИНН: 306 442 442 МФО: 00621

Банк: «Ипотекабанк» АКИБ КК ф-л

Директор:

Махамбетҗерипов Н.А.

Ҳорисат

Ҳикмат

И. Ҳарошбеёв